

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ  
ДАРОМАДЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ  
АСОСЛАРИ**

***О.Р. Самандаров***

*Иқтисодиёт магистри*

2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясига мувофиқ, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, кредитларнинг даромадлилигини таъминлаш заруриятини юзага келтиради<sup>1</sup>.

Ж.Синкининг хулосасига кўра, кредитларнинг даромадлилигини таъминлашда кредитлар бўйича соф йўқотишларнинг жами кредитларга нисбатан даражасининг ўзгариши муҳим ўрин тутади. Чунки, соф йўқотишлар даражасининг ошиши даромад келтирмайдиган кредитлар миқдорининг ортганлигидан далолат беради<sup>2</sup>.

В.Усоскиннинг фикрига кўра, банкнинг кредитлардан оладиган даромадлари бевосита рискларни бошқариш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг кредит портфели рискларнинг барча асосий турларига: ликвидлилик rischi, фоиз rischi, кредит riskига мойилдир<sup>3</sup>.

Н.Валенцева томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаси кўрсатдики, кредитлар бўйича фоиз ставкасини фоизли маржа ҳисобидан пасайтириш имконияти банк маҳсулотлари таннархини пасайиши билан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992 – сонли “2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

<sup>2</sup> Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С.496.

<sup>3</sup> Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: ЛЕНАНД, 2019. – С. 218.

белгиланади. Бунда, фоизли спрэд миқдорининг умумий қуйи чегараси бўлиб, етарли даражадаиғ фоизли маржа ҳисобланади. Банкларда чиқимларни пасайтиришнинг муҳим шарти – бу банк амалиётига банк маҳсулотлари таннархининг мониторингини жорий қилишдир<sup>4</sup>.

Е.Литвиновнинг фикрига кўра, тижорат банклари томонидан чакана кредитлар бўйича фоиз тўловларини ундиришнинг аннуитет усулини қўлланилиши жисмоний шахсларнинг кредит бўйича тўлов юқини ошишига олиб келади. Шу сабабли, кредит олувчи жисмоний шахсларга кредит бўйича тўлов усулларини (табақалашган ёки аннуитет) танлаш имконини берилиши фоиз ставкаларининг рағбатлантирувчанлик мазмунини кучайтириш имконини беради<sup>5</sup>.

А.Миан ва А.Сафи томонидан ўтказилган тадқиқотлар кўрсатдики, уй хўжалиқларининг ўз рискларини назорат қилиш имкониятлари фирмаларникига қараганда сезиларли даражада чеклангандир. Бу эса, цуй хўжалиқларига берилган кредитларни ўз вақтида қайтмаслик эҳтимолини оширади<sup>6</sup>.

Дандо ва Скодберг томонидан етти минг компания бўйича танлов асосида ўтказилган тадқиқот натижалари кўрсатдики, рейтинглар ўртасидаги ўтиш матрицаларини (миграция матрицалари) ва улар асосида экстраполяцияларни баҳолаш юқори рейтингли кредит портфеллари учун, шу жумладан, паст дефолтли кредит портфеллари учун дефолт мақомига ўтишни аниқ баҳолаш имконини беради<sup>7</sup>.

Проф. Ж. Исаковнинг хулосасига кўра, тижорат банклари томонидан хизматлар соҳасига ажратилаётган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкасининг ўртача бир фоизга ошиши берилган кредитлар

---

<sup>4</sup> Валенцева Н.И. Ценообразование на рынке банковских услуг//Банковское дело. – Москва, 2013. – №11. – С. 39.

<sup>5</sup> Литвинов Е.О. Кредитное бремя населения России: вопросы теории и методологии. Монография. – Волгоград, 2012. – С. 14.

<sup>6</sup> Mian A., Rao K., Sufi A. Household Balance Sheets, Consumption, and the Economic Slump//Quarterly Journal of Economics. – 2013. – 128(4). – pp. 1687 - 1726.

<sup>7</sup> Lando D., Skodeberg T. Analyzing Rating Transitions and Rating Drift with Continuous Observations // Journal of Banking and Finance. – 2002. – Vol. 26 (2–3). – pp. 423–444.

даромадлилигини 0,8 фоизга ошишига, берилаётган кредитлар ҳажмини бир фоизга ошиши кредитлар даромадлилик даражасини 1,8 фоизга камайишига олиб келади<sup>8</sup>.

Ф.Холмаматовнинг тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш масаласини илмий асосда тадқиқ қилган ва қуйидаги хулосани шакллантирган: тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш учун кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш методикасини такомиллаштириш мақсадида кредитларнинг сифатини реал баҳолаш ва уларга захира ташкил этиш бўйича қуйидаги мезонлар таклиф этилган: субстандарт кредитлар бўйича 1 фоиздан 10 фоизгача; қониқарсиз кредитлар бўйича 11 фоиздан 25 фоизгача; шубҳали кредитлар бўйича 26 фоиздан 50 фоизгача; умидсиз кредитлар бўйича 100 фоизгача<sup>9</sup>.

---

<sup>8</sup> Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. илм. дар. ол.уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – Б. 28.

<sup>9</sup> Холмаматов Ф.К. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 25.